

«ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ:
МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР»
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
«СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ:
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ»

INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE
ON THE THEME "MODERN PHARMACEUTICS:
ACTUAL PROBLEMS AND PROSPECTS"



ЯШИЛ ШАМШОД ЎСИМЛИГИ БИЛАН ЗАҲАРЛАНИШДА ДИАГНОСТИК БЕЛГИЛАРНИ АНИҚЛАШ

Зулфикориева Д.А., Юлдашев З.А.

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси
e-mail: zulfidil@mail.ru

Долзарблиги: яшил шамшод – *Vixus sempervirens* ўсимлиги шамшоддошлар (*Vixaseae*) оиласига мансуб бўлиб, бу оилага 5 туркум ва 80 га яқин турлар киради. Шамшоднинг барча қисмида алкалоидлар мавжудлиги аниқланган. Булар циклокореанин В, буксин, парабуксин, буксипин ва циклобуксин. Ўсимликнинг заҳарлилиги туфайли расмий тиббиётда ишлатилмайди, бироқ табобатда унинг баргларида тайёрланган дамламалар харорат юқори бўлганда, ўт пуфаги ва пешоб йўллари яллигланишида иситма туширувчи, гипотензив, антибактериал, ўт ва пешоб ҳайдовчи сифатида қўлланилади. Хитой табиблари шамшоддан тайёрланган препаратларни юрак ишемияси ва артритда кучли оғрик қолдирувчи сифатида фойдаланишади. Гомеопатлар ўсимлик дамламасини гижжа касалликларида қўллашади. Лекин эҳтиётсизлик оқибатида заҳарланиш вужудга келади. Заҳарланиш белгилари: қайт қилиш, диарея, тери гиперемияси, қўл ва оёқ учларининг увишиб, бўшашиш ҳолати, аввал енгил титроқ, сўнгра тутқаноқ тутиши ва нафас олишнинг қийинлашуви кузатилади. Агар 12-24 соат ичида зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатилмаса, нафас олиш марказининг фалажланиши оқибатида ўлим ҳолати қайд этилади. Бунда симпатик асаб тизимининг кўзгалувчанлиги ортади [1,2]. Қон босими одатда заҳарланишнинг бошлангич даврида кўтарилади, сўнгра эса коллапс ҳолатигача тушади. Тахикардия вужудга келади ва баъзи ҳолларда галлюцинация ҳолати содир бўлади. Ўсимликлар билан заҳарланишда биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун аниқ ташҳис қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ташҳиснинг тўғри қўйилиши дастлабки текшириш усуллари, жумладан, қуйидаги ҳолатлар ёрдамида олиб борилади: заҳарланган одамда кузатилаётган клиник белгиларни таҳлил қилиш, заҳарланган одамнинг ошқозони ҳамда кусук массаларида ўсимлик қолдиқларини фармакогностик ўрганиш, биологик объектларда (қон, пешоб, ошқозон чайинди сувлари) заҳарли ўсимлик биологик фаол моддасининг таҳлили. Ошқозонда ўсимлик қисмларининг қолдиқларини фармакогностик ўрганиш айнан қайси ўсимлик билан заҳарланиш юз бергани ҳақида дастлабки тахминларни келтиришга ёрдам беради.

Мақсад: яшил шамшод билан заҳарланиш ҳолатларида ошқозон чайинди сувлари таркибидан уларни дастлабки таҳлил қилиш услубларини ишлаб чиқиш.

Усул ва услублар: заҳарланган инсоннинг ошқозон чайинди сувлари ва қайт қилиш массалари фармакогностик текширилганда асосан барг, мева қолдиқларининг микроскопик таҳлили ўтказилади. Ўсимликнинг баргларини диагностик белгиларини аниқлаш мақсадида глицерин-спирт-сув (1:1:1) аралашмасида микропрепарат тайёрлаб, микроскоп остида қўрилганда баргнинг ҳар иккала томонидаги эпидермис хужайралари эгри-бугри деворли бўлиб, устьицалар баргнинг фақат пастки томонидаги эпидермисида 3-5 та эпидермис хужайралари билан ўралган. Баргнинг четларида калта бир хужайрали бошчали ва узун оёқчали туклар жойлашган. Ушбу микроскопик кўрсаткичлар ўрганилган ўсимликлар билан заҳарланишларни аниқлашда дастлабки диагностик белгилар сифатида фойдаланиш мумкин. Ошқозон чайинди сувларидан ажратиб олинган ўсимлик қисмларини фармакогностик таҳлилининг ўтказиш мақсадида тажриба ҳайвонларида изланишлар олиб борилди. Тажриба учун лаборатория қуёнларининг овқатига яшил шамшод ўсимлигидан аралаштириб, енгил заҳарланиш ҳолатини юзага келтирилди. 0,5-

Isoatdan сўнг куённинг ошқозонини ювиб, ювинди сувлар алоҳида идишга йигилди. Ўсимлик қисмлари пинцет ёрдамида ажратиб олиниб, аввал глицерин-спирт-сув (1:1:1) аралашмаси билан, сўнгра хлоралгидрат эритмаси билан ювилди. Тайёрланган намуналар микроскоп остида кўрилганда юқорида келтирилгандек белгилар кузатилди. Олинган натижалар асосида ушбу диагностик белгилардан яшил шамшод билан ўткир захарланиш юз берганда кимё-токсикологик таҳлилларнинг дастлабки тезкор таҳлилларини олиб бориш учун фойдаланиш мумкин.

Натижалар: олинган натижалар асосида яшил шамшод билан захарланиш юзага келтирилган ҳайвонларнинг ошқозон чайинди сувлари таркибидаги ўсимлик қолдиқларининг ўзига хос микроскопик белгилари аниқланди. Бунда эпидермис хужайралари эгри-бугри деворли, устьицалар баргнинг фақат пастки томонидаги эпидермисида 3-5 та эпидермис хужайралари билан ўралган, баргнинг четларида калта бир хужайрали бошчали ва узун оёқчали туклар жойлашган ҳолда бўлса яшил шамшод билан захарланишга тахмин қилинади.

Хулосалар: ўрганилган ўсимликнинг микроскопик таҳлилининг ўтказиш натижасида унинг ўзига хос дастлабки диагностик белгилари аниқланди. Аниқланган диагностик белгилар асосида ўсимликлар билан захарланиш ҳолатлари юз берганда тезкор тиббий ёрдам бериш мақсадида дастлабки таҳлил усуллари сифатида ошқозон чайинди сувлари таркибини микроскопик таҳлилининг ўтказиш учун тавсия этилди. Қисқа вақт орасида аниқланган захарли модда унга қарши зиддизахарни қўллашда ва шу билан инсон ҳаётини сақлаб қолишда катта ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Большой энциклопедический словарь лекарственных растений: учебное пособие/Под ред. Г.П. Яковлева. -3-е изд., исп. и доп. – СПб: Спец Лит, 2015.– 759 с.
2. O. Bauerová and Z. Votický Buxus alkaloids XXII. Alkaloids of leaves from immature twigs of Buxus sempervirens var. angustifolia WEST. Chcm. zvesti 38 (2) 255-259.

ЭКСПЕРТНЫЙ АНАЛИЗ ПРЕГАБАЛИНА И ТРАМАДОЛА С ПОМОЩЬЮ МЕТОДА ТОНКОСЛОЙНОЙ ХРОМАТОГРАФИИ

Абдуллаева М.У.¹, Халилова Н.Ш.², Боисхожаева А.А.², Ташпулатов А.Ю.¹,
Усмналиева З.У.¹

¹Ташкентский фармацевтический институт, г. Ташкент, Республика Узбекистан
²Республиканский центр судебной экспертизы имени Х.Сулаймановой, г. Ташкент,
Республика Узбекистан
e-mail: halilova79@inbox.ru

Актуальность. Прегабалин, относится к противосудорожным лекарственным средствам, применяется при нейропатических болях и тревожном расстройстве, как несколько облегчающее депрессию, выпускается в виде капсул под наименованием «Lyrica», «Regapen» и др.

Трамадол является опиоидным анальгетиком, в медицинской практике применяется как обезболивающее средство при сильных болях, он является действующим веществом таблеток Dromadol, Tramal и др. В результате применения их не по назначению или превышения дозы, продолжительного применения их может наступить острое отравление, заканчивающееся в отдельных случаях летально.

Цель. В последнее время прегабалин и трамадол являются частыми объектами исследования экспертов - судебных химиков. Для экспертного исследования малых количеств прегабалина и трамадола ранее нами были разработаны методики с использованием методов хрома-масс-спектрометрии и ИК-спектрофотометрии [1,2]. Но за частую применение таких дорогостоящих методов доступно не всем экспертным лабораториям. Таким образом, цель этого исследования заключалась в разработке простого и

	Ташкентский фармацевтический институт, г.Ташкент, Республика Узбекистан e-mail: mr.djasur.88@mail.ru	
262.	ПАРРАНДАЛАР ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ПРОБИОТИКЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ Нуриддинов С.Ф. Артикова Р.М., Закирова М.Р. Хушвақтова С. У. Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси e-mail: rartikova1961@mail.ru	406
263.	КУМУШ ИОНЛАРИНИНГ ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА ВИРУСЛАРГА БЎЛГАН ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ Урозов М.К., Муродов М.М., Юсупова Н.Ф., Зайнутдинова Г.Ф. Термиз давлат университети, Термиз ш., Ўзбекистон Республикаси Тошкент инновацион кимё технология илмий тадқиқот институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси Тошкент Фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси e-mail: Yusupova69@mail.ru	407
СЕКЦИЯ 7. СУДЕБНАЯ И КЛИНИЧЕСКАЯ ТОКСИКОЛОГИЯ		
264.	СУД-КИМЁ АМАЛИЁТИДА ДИРАКС ПЕСТИЦИДИНИ АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАРДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ <u>Нурматова М.И.</u> , Зулфигориева Д.А., Яхеева О.Э., Турсунова Б.Х., Бижанов Р.О., Фозилов Б.Н. Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази, Тошкент вилоят филиали e-mail: malohat_nurmatova@mail.ru	409
265.	СОННАТНИ БИОЛОГИК СУЮҚЛИКЛАРДАН ТЕРМОДЕСОРБЦИОН СИРТ ИОНЛАШУВ СПЕКТРОСКОПИЯ УСУЛИДА ТАҲЛИЛИ Султанова А.А., Усманиева З.У. Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси e-mail: adolat.sultanova123@gmail.com	410
266.	ЛЕВАМИЗОЛНИ СУВЛИ МУҲИТДАН ЭКСТРАКЦИЯ ШАРОИТЛАРИНИ ЎРГАНИШ Усманиева З.У. Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси e-mail: usmanalieva1970@mail.ru	412
267.	ЯШИЛ ШАМШОД ЎСИМЛИГИ БИЛАН ЗАҲАРЛАНИШДА ДИАГНОСТИК БЕЛГИЛАРНИ АНИҚЛАШ Зулфигориева Д.А., Юлдашев З.А. Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси e-mail: zulfidil@mail.ru	414
268.	ЭКСПЕРТНЫЙ АНАЛИЗ ПРЕГАБАЛИНА И ТРАМАДОЛА С ПОМОЩЬЮ МЕТОДА ТОНКОСЛОЙНОЙ ХРОМАТОГРАФИИ Абдуллаева М.У., Халилова Н.Ш. , Боисхожаева А.А. , Ташпулатов А.Ю., Усманиева З.У. Ташкентский фармацевтический институт, г. Ташкент, Республика Узбекистан Республиканский центр судебной экспертизы имени Х.Сулаймановой, г. Ташкент, Республика Узбекистан e-mail: halilova79@inbox.ru	415
269.	ИССЛЕДОВАНИЯ ПО ВЫДЕЛЕНИЮ И ИДЕНТИФИКАЦИИ СТАНДАРТНОГО ОБРАЗЦА ДЛЯ КОНТРОЛЯ КАЧЕСТВА СЫРЬЯ И ПРЕПАРАТОВ СОФОРЫ ЯПОНСКОЙ Абдуллабекова Н.А., Бобакулов Х.М., Нишанбаев С.З. Ташкентский фармацевтический институт, г. Ташкент, Республика Узбекистан Институт химии растительных веществ им. акад. С.Ю. Юнусова АН РУз, г.Ташкент,	417